

REZYUME. Ushbu maqolada biz innovatsion vositalar va amaliy tavsiyalar orqali o'qituvchilar va talabalarga algoritmik fikrlashni rivojlantirishga yordam beradigan interaktiv usullar, zamonaviy texnologiya va tajribalar haqida gaplashamiz. O'qitish jarayonida o'quv jarayonini yaxshilashni o'rganamiz. Ta'lim tizimida yangi g'oyalar va yangiliklar, talabalarining algoritmik ta'lim olish jarayonini qanday qilib yanada qiziqarli va samarali qilishimiz natijasida ko'rsatamiz.

РЕЗЮМЕ. В этой статье мы поговорим об интерактивных методах, современных технологиях и экспериментах, которые помогают учителям и ученикам развивать алгоритмическое мышление с помощью инновационных инструментов и практических рекомендаций. В процессе обучения мы учимся совершенствовать процесс обучения. В результате новых идей и инноваций в системе образования мы показываем, как сделать алгоритмический процесс обучения учащихся более интересным и эффективным.

SUMMARY. In this article, we will talk about interactive methods, modern technology and experiments that help teachers and students develop algorithmic thinking through innovative tools and practical recommendations. In the process of teaching, we learn to improve the learning process. As a result of new ideas and innovations in the educational system, we show how to make the algorithmic learning process of students more interesting and effective.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ЮЗАСИДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

А.Т.Алижонов – доцент, подполковник
ИИВ Малака ошириш институти

Таянч сўзлар: хорижий давлатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, ички ишлар органлари, қурол, ўқотар қурол, инсонпарварлик.

Ключевые слова: зарубежные страны, Содружество Независимых Государств, органы внутренних дел, оружие, огнестрельное оружие, гуманный.

Key words: foreign countries, Commonwealth of Independent States, internal affairs bodies, weapon, firearms, humane.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг ривожланиш сари дадил қадам ташлаб келмоқда. Ушбу ҳаракатлар натижаси ўларок, Ўзбекистон бугунги кунда кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бўлди. Ҳозирда амалга оширилаётган ислохотлар юқоридаги фикримизни тасдиқлаш учун асос бўла олади.

2022 йил 28 январь куни Ўзбекистон ҳаётидаги муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Тараққиёт стратегиясига кўра, Ўзбекистонни кейинги беш йил ичида ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши бўйича 100 та мақсадга эришишга қаратилган. Тараққиёт стратегиясидаги 100та мақсаднинг 17-мақсади “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш” деб номланган. 17-мақсад ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш;

- қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш;

- тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш [1].

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ислоҳ қилиш тараққиёт стратегияси билан белгиланган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қурол қўллаш ҳуқуқи эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлланиладиган энг охирги мажбурлов чорасидир. Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қурол қўллаш билан боғлиқ фаолиятини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида деталлашган тартибда ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ.

Табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орасида асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни

химоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат бўлган ички ишлар органлари ўзига хос аҳамиятга эга [2].

Ички ишлар органлари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таркибига кирувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдир. Шунингдек, интернет манбаларида ички ишлар органлари – “ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлган давлат ижро ҳокимияти органи” деб, таъриф берилган [3].

“Қурол тўғрисида”ги Қонунда “Қурол – тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар”, “Ўқотар қурол – порох ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келувчи аслаҳа билан нишонни масофадан туриб механик уриш учун мўлжалланган қурол” дея, таъриф берилган [4].

Ички ишлар органлари томонидан ўқотар қуролларни қўллаш масаласида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- қонунчилик базаси ва нормалар: ҳар бир давлатдаги ўқотар қуролларни қўллашга доир ҳуқуқий асослар ва меъёрлар, шу жумладан, қачон ва қандай ҳолларда қурол қўлланиши мумкинлигига оид қонунлар ва қоидаларни таҳлил қилиш масаласи;

- қўллаш шартлари ва вазиятлари: ўқотар қуролларни қўллаш шароитлари, масалан, ўзини ёки бошқаларни химоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ёки уларни тўхтатиш, хавфсизликни таъминлаш каби вазиятлар;

- амалиёт ва назорат: ўқотар қуроллар қўлланилиши бўйича амалиёт ва унинг назорати, масалан, ҳар бир қурол қўлланилган ҳолатдан кейин текширувлар ва мониторинг механизмлари.

Универсал қоидалар полиция органларининг қурол қўллаш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солишда асосий тартиботларни белгилаб беради. Аммо, полиция органлари томонидан қурол қўллаш масаласида турли хил қоидалар ва тартиботлар ҳам мавжуд. Бу қоида ва тартиботлар давлатнинг этник, психологик, ижтимоий, сиёсий омилларга қараб фарқланади. Шу муносабат билан полиция органларининг қурол қўллаш билан боғлиқ фаолиятини ўрганишда асосий эътиборни фарқли томонларга қаратиш мақсадга мувофиқ.

АҚШ қонунчилигида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунидагидек ички ишлар органи ходимининг қандай ҳолатларда ўқотар қурол қўллашини белгилаб берувчи аниқ қонун мавжуд эмас. Шу муносабат билан АҚШ полицияси томонидан ўқотар қуролни қўллаш 1971 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқлар тўғрисида Билл”, шунингдек БМТ Низоми асосида белгиланади. АҚШдаги “Ўқотар қуролни қўллаш” бўйича асосий буйруғида полиция ходими қандай ҳолатларда ўқотар қуролни қўллаши мумкинлиги хусусида айрим асослар келтирилган:

1. Ўзининг ва бошқа шахсларнинг ҳаётига тажовуз қилиш ва оғир шикаст етказишдан химоя қилишда;

2. Ҳибсга олишни кечиктириш полиция ходимининг ёки бошқа шахсларнинг ўлимига ёки жароҳатланишига олиб келиши мумкин бўлса;

3. Ўз хатти-ҳаракатлари билан полиция ходими ёки бошқа шахсларнинг ҳаётига таҳдид солувчи транспорт воситаси ҳайдовчисини зарарсизлантиришда;

4. Ҳайвонларни зарарсизлантиришда;

5. Бошқа воситалар мавжуд бўлмаганида ёрдам учун сигнал беришда [5].

Келтирилган жумлаларни таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида полиция (ички ишлар органи) ходими томонидан ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаётига хавф бўлганда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқи белгиланган. Аммо, АҚШда юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бекор бўлганидан сўнг, полиция органи ходими томонидан ўқотар қуролни қўллашни тартибга солувчи бошқа манба қолмади. Бу шуни англатадики, АҚШнинг ҳар бир штатида бошқалардан мустақил бўлган “ўзининг” полицияси мавжуд. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, штатлардаги полиция органлари ходимлари хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни қўллаш тартиблари белгиланмаган ва улар етарлича эркинликка эгадирлар.

Украинанинг қонунчилигига кўра, ўқотар қуролни қўллаш давлат мажбурлов кучининг энг сўнгги чораси ҳисобланади. Украинанинг “Миллий полиция тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддасида ўқотар қуролни қўллашга тегишли бўлган умумий тартиботлардан ташқари ўқотар қуролни оғоҳлантиришсиз қўллаш бўйича хусусий тартиботлар ҳам келтирилган. Булар:

- қўлга олиш вақтида шахснинг қўлида ўқотар қурол бўлиб, полиция ходими томонидан белгиланган маълум масофани қисқартириб, унга яқинлашишга уриниш ёки полиция ходимининг қуролига тегишга ҳаракат қилган тақдирда;

- курулли хужум содир этилган ҳолатда, шунингдек, жанговар техника, транспорт воситалари ёки одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф солувчи бошқа воситаларни қўллаш орқали кутилмаган хужум қилинган тақдирда;

- агар ўта оғир ёки оғир жиноят содир этганлиги учун қўлга олинган ёки ҳибсга олинган шахс транспорт воситаси орқали қочишга ҳаракат қилганда;

- агарда шахс курулли қаршилик кўрсатса;

- ўқотар курулни эгаллашга бўлган уринишларга чек қўйишда [6].

Украинанинг “Миллий полиция тўғрисида”ги Қонунига назар солсак, унда бизнинг Қонунимизда келтирилмаган “ўқотар курулни огоҳлантиришсиз қўллаш” тартиби мужассам этган.

Грузиянинг “Полиция тўғрисида”ги Қонунининг 34-моддаси 7-қисмига кўра, огоҳлантиришсиз ўқотар курулни қўллаш қўйидаги ҳолатларда рухсат этилади:

- курулли хужум қилинганда ёки ҳарбий техника, ҳар қандай транспорт ёки механик воситалардан фойдаланилган ҳолда кутилмаган хужум содир этилганда;

- полиция ходимида мавжуд маълумотларга кўра, ўта оғир жиноят содир этганлиги учун қўлга олинган ёки ҳибсга олинган шахснинг транспорт воситаси орқали қочишга уриниш ҳолатида;

- шахс томонидан курулли қаршилик кўрсатилганда;

- хавф-хатар ҳақида сигнал бериш ёки ёрдамчи кучларни чақириш учун;

- ўқотар курулни эгаллашга уринишга тўсқинлик қилиш мақсадида;

- ўлимга олиб келувчи зарар ёки ўлимга олиб келувчи аномалликларга эга бўлган ҳайвонни ўлдиришда, агар муаммони бошқа йўл билан ҳал қилиш имконияти мавжуд бўлмаса [7].

Чехия Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги қонунининг 57-моддасига мувофиқ, полиция ходимлари курул қўлаганидан сўнг ва бу жараёнда шахс жароҳат олган бўлса, вазият имкон берган заҳоти жароҳатланган шахсга биринчи ёрдам кўрсатишлари ва тиббий кўрикни таъминлашлари шарт. Бундан ташқари, полиция ходими курул қўллашнинг қонунийлигини тўғри изоҳлаш мумкин бўлиши учун зудлик билан чоралар кўриши ёки бошқа ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Словения Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги қонунининг 52-моддасига кўра, полиция ходими ўқотар курулни қўллашдан олдин, агар вазият имкон берса, курул қўлламоқчи бўлган шахсни “Тўхта, полиция, отаман!” деган чақириқ ва огоҳлантирув ўқи билан огоҳлантириши керак [8].

Юқорида келтирилган халқаро тажрибаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, ўқотар курул қўллашда огоҳлантириш масаласи ҳамда ўқотар курул қўллаш натижасида фуқарога тан жароҳати етказиладиган бўлса, унга тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи ўзида инсон ҳуқуқларининг олий кадрият эканлигини мужассам этган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари полиция тизимининг ўқотар курулни қўллаш билан боғлиқ тартиботлари Россия Федерациясиникига ўхшашликни намоён этади. Арманистон Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига асосан, худди Россия Федерацияси қонунчилигида келтирилганидек, агар мавжуд вазиятда ўқотар курулни қўллаш учун асослар бўлиши мумкин деб ҳисобласа, полиция ходими шахсий хавфсизлик кафолати сифатида ўқотар курулни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга. Ўқотар курул билан ушланган шахснинг полиция ходимида яқинлашишга уриниши, у кўрсатган масофани қисқартиришга ёки курулига тегишига уринишларининг ўзиёқ полиция ходимида ўқотар курулни қўллаш ҳуқуқини беради, деб қайд этилган [9].

Озарбайжон Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси 4-қисмига кўра, кутилмаганда, яъни тўсатдан хужум қилганда, шунингдек, ўқотар курулдан фойдаланилган, хавфли механик транспорт воситаларидан фойдаланиш ёки ҳайвонларнинг ҳужумида полиция ходими огоҳлантиришсиз ўқотар курулни қўллаш мумкин [11].

Беларусь Республикаси ички ишлар органлари ходими, агар мавжуд вазиятда курулни қўллаш ёки ишлатиш эҳтимоли истисно қилинмаган деб ҳисобласа, курулни олишга тайёр ҳолга келтириш ҳуқуқига эга (Беларусь Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси) [12].

Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикасидан фарқли ўлароқ ходим томонидан ўқотар курулни қўллашни тартибга солиш “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун билан эмас, балки “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида”ги Қонунга асосан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 61-моддасида умумий тартиботлар билан биргаликда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилувчи ходим томонидан ўқотар курулни зарурий муҳофаа ҳамда охириги заруратнинг барча ҳолатларда қўлланилиши мумкинлиги каби алоҳида тартиботлар ҳам келтирилган [14].

Тожикистон Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги Қонунини ҳуқуқий таҳлил қилсак, ўзига хос жиҳатларини кузатишимиз мумкин. Қонуннинг 4-боби 15-моддаси 1-бандида “Ўқотар

куролдан охирги чора сифатида фойдаланишга тўғри келса ушбу ҳаракат ҳавфли ҳаракатни бостириш учун ўқ отиш деб ҳисобланади”, деган жумла ҳамда шу модданинг 9-бандида ”Агар зарурий мудофаа ёки охирги зарурат бўлса, полиция ходими махсус воситалар ёки куралининг йўқлиги, унга ҳар қандай қўлбола воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини беради, деган жумлалар мавжуд.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу илмий мақоланинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органи ходими томонидан ўқотар куролни қўллашда 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон

Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунига қўйидаги ўзгартиришларни киритишни таклиф этаман:

ИИО тўғрисидаги қонуннинг 5-боби 24-моддасининг тўққизинчи хат бошидан кейин қўйидаги жумлалар билан яъни, “қўлга олиш вақтида шахснинг қўлида ўқотар курол бўлиб, ички ишлар органи ходими томонидан белгиланган маълум масофани қисқартириш, унга яқинлашишга уринишлар ёки полиция ходимининг куралига тегишга ҳаракат қилган тақдирда ходим томонидан ўқотар куролни огоҳлантиришсиз қўллаш ҳуқуқига эга” деган жумлалар билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. 2022 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни.
3. <https://ru.wiktionary.org>.
4. 2019 йил 29 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон Қонуни.
5. “Зарубежный опыт применения сотрудниками полиции огнестрельного оружия”: Р.М.Якупов Илмий мақола, 2024.
6. 2015 йил 2 июлдаги Украинанинг “Миллий полиция тўғрисида”ги № 580-VIII Қонуни.
7. 2013 йил 4 октябрдаги Грузиянинг “Полиция тўғрисида”ги № 1444-Іс. Қонуни.
8. “Сравнительно-правовой анализ отечественного и зарубежного законодательства в вопросах применения полицейскими огнестрельного оружия без предупреждения”: В.В.Домницак /Илмий мақола, 2016.
9. 2001 йил 16 апрелдаги Арманистон Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги № 3Р-177 Қонуни.
10. 2000 йил 17 октябрдаги Литва Республикасининг “Полиция фаолияти тўғрисида”ги № VIII-2048 Қонуни.
11. 1999 йил 28 октябрдаги Озарбайжон Республикасининг “Полиция тўғрисида”ги № 727-ІQ Қонуни.
12. 2007 йил 17 июлдаги Беларусь Республикасининг “Беларусь Республикаси ички ишлар органлари тўғрисида”ги № 263-З Қонуни.
13. 2011 йил 21 майдаги Туркменистоннинг “Туркменистон ички ишлар органлари тўғрисида”ги № 195-IV Қонуни.
14. 2011 йил 6 январдаги Қозоғистон Республикасининг “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида”ги № 380-IV Қонуни.

РЕЗЮМЕ. Ушбу илмий мақолада хорижий давлатлар ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ички ишлар (полиция) органлари ходимлари томонидан ўқотар куролни қўллаш бўйича амалиёт ва тажрибалар киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Мақолада АҚШ, Украина, Грузия, Чехия, Словения, Россия Федерацияси, Арманистон, Литва, Латвия, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатларнинг қонунчилиги миллий қонунчилигимиз билан таққосланган.

РЕЗЮМЕ. В данной научной статье произведен сравнительно-правовой анализ практики и опыта применения огнестрельного оружия сотрудниками органов внутренних дел (полиции) зарубежных стран и стран Содружества Независимых Государств. Законодательство США, Украины, Грузии, Чехии, Словении, Российской Федерации, Армении, Литвы, Латвии, Кыргызской Республики, Азербайджана, Республики Беларусь, Казахстана и Таджикистана сопоставлено с нашим национальным законодательством.

SUMMARY. This scientific article provides a comparative legal analysis of the practice and experience of using firearms by employees of internal affairs bodies (police) of foreign countries and countries of the Commonwealth of Independent States. The legislation of the USA, Ukraine, Georgia, the Czech Republic, Slovenia, the Russian Federation, Armenia, Lithuania, Latvia, the Kyrgyz Republic, Azerbaijan, the Republic of Belarus, Kazakhstan and Tajikistan is compared with our national legislation.